

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚАСИМОВ АБДУГАППАР КАХАРОВИЧ**

**ИЗОТРОП МУҲИТЛАРДА ЛАЗЕР НУРИ ТАРҚАЛИШИ**

**01.04.05- Оптика**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

<b>Касимов Абдугаппар Кахарович</b> Изотроп мухитларда лазер нури тарқалиши.....	<b>3</b>
<b>Касимов Абдугаппар Кахарович</b> Распространение лазерного излучения в изотропной среде.....	<b>28</b>
<b>Kasimov Abdugappar Kakharovich</b> Propagation of laser radiation in an isotropic medium.....	<b>53</b>
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ Эълон қилинган ишлар рўйхати List of published works .....	<b>65</b>

**ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚАСИМОВ АБДУГАППАР КАХАРОВИЧ**

**ИЗОТРОП МУҲИТЛАРДА ЛАЗЕР НУРИ ТАРҚАЛИШИ**

**01.04.05- Оптика**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**

**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/FM76 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://iplt.uz/>) ва “ZiyoNet” ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Бахрамов Сагдилла Абдуллаевич**  
физика-математика фанлари доктори,  
академик

**Расмий оппонентлар:**

**Рахматуллаев Илём Арзимуродович**  
физика-математика фанлари доктори

**Семенов Денис Иванович**  
физика-математика фанлари доктори

**Болтаев Ганжабай Сапаевич**  
физика-математика фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат  
техник университети**

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.65.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «22» 02 соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871) 262-32-54, e-mail: [info@iplt.uz](mailto:info@iplt.uz) (Ион-плазма ва лазер технологиялари институти мажлислар зали).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 33-уй. Тел./факс: (99871) 262-31-69.

Диссертация автореферати 2022 йил «09» 02 кун тарқатилди.

(2022 йил «09» 02 даги 1 рақамли реестр баённомаси).



**Х.Б. Ашуров**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**И.Д. Ядгаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби,  
ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

**Б.Е. Умирзаков**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Лазер нурланиши ва классик манбаларнинг нурланиши ўртасидаги туб фарқ бу манбаларнинг фан ва техниканинг турли соҳаларида кенг қўлланилишига олиб келди. Лазер нурланишини қўллашнинг истиқболли йўналишларидан бири бу ахборотни қабул қилиш ва узатиш учун фойдаланишдир. Сўнгги ўн йилликларда лазер физикасининг жадал ривожланиши фемтосекунд оралиғида давомийлик билан импульсли оптик нурланиш ҳосил қилувчи қурилмаларни яратишга имкон берди. Бундай кичик вақт ва макон оралиқларида энергиянинг локализацияси нурланиш майдонларининг кучини атом ичидаги майдон қийматлари билан таққосланадиган ва ундан юқори қийматларга етказиш имконини берди. Изотроп муҳитда тарқаладиган нурланишнинг бундай юқори интенсивлиги лазер нурланишидан фойдаланиш учун янги истиқболларни очадиган чизиқли бўлмаган жараёнларнинг бутун мажмуасини келтириб чиқаради, улар орасида филаментация феномени ўзининг аниқ амалий қўлланилиши билан ажралиб туради. Масалан, атмосфера ифлосланишини сезиш ва об-ҳавони башорат қилиш учун кенг полосали лидарни яратиш имконияти, турли объектларни чакмоқ уришидан химоя қилиш ва лазер масофасини аниқлашда ультра узоқ масофадаги нишонни аниқлаш ва бошқалар. Биринчи марта ёруғлик "ипи" (филамент) 1965 йилда Пилипецкий ва Рустамовнинг ишларида 20 МВт қувватга эга наносекундли лазер импульсларини органик суюқликлар билан тўлдирилган кювейтага фокуслашда қайд этилган. Бироқ, бу тажрибаларда ёруғлик ипининг узунлиги сантиметрларда ўлчанган ва бу тадқиқотлар ўзига кенг эътиборни жалб қилмади. 1990-йилларнинг ўрталарига келиб, ҳозирги фемтосекунд импульсли лазер нурланишининг филаментацияси, яна тадқиқотчиларнинг эътиборини тортди, чунки атмосферада бир неча метр узунликдаги чўзилган ёруғлик филаментлари олинган ва уларнинг узунлиги тажрибадан тажрибага кўпайган эди. Шаффоф, изотроп муҳитда лазер импульсларини филаментацияланиш жараёнида, энергиянинг фазо ва вақтнинг кичик оралиқларида локализацияси, плазма каналларининг пайдо бўлиши, коник эмиссияси, суперконтинуум нурланишининг шаклланиши, шунингдек нурланишнинг муҳит билан чизиқли бўлмаган ўзаро таъсирини кучайтириш билан бирга келади. Филаментация ходисаси атмосфера оптикasinинг амалий муаммоларида, микрооптикада ва бошқа иловаларда лазерлардан фойдаланишнинг тубдан янги имкониятларини очди.

Филаментация шаффоф муҳитда тарқалаётган юқори қувватли, ультрақиска лазер нурланишининг ўз-ўзи билан таъсирлашиш жараёнининг ташқи кўринишидир. Керр эффекти натижасида нурланишнинг ўз-ўзидан фокусланиши ва импульснинг тарқалиши пайтида, муҳит молекулаларнинг туннел ионланиши натижасида ҳосил бўлган зичлиги кам плазма томондан ушбу нурланишнинг дефокусланиши каби иккита чизиқли бўлмаган жараённинг динамик ўзаро таъсири. Бу ходиса натижасида нурланишнинг

фазавий ва частотавий ўз-ўзини модуляция қилиши учун шароит яратади. Шу сабабли филаментация кенг тўлқин узунлиги диапазонида (суперсонтинуум) кучли нурланиш ҳосил бўлиши билан бирга кечади. Бундай нурланиш атмосфера газлари таркибини масофадан туриб спектроскопик таҳлил қилиш учун катта имкониятлар очади. Ўз – ўзини фокуслаш нурланишни узок масофаларга деярли йўқотишларсиз узатиш имконияти беради. Белгиланган масофада филамент ҳосил қилиб, суперконтинуум нурланишини ҳосил қилиш ва атмосферани кенг полосада зондлаш, ёки узок масофаларда кенг полосада лазерли локацияни амалга ошириш филаментиациянинг жозибадор истиқболдир.

Лазер қурилмасининг чиқишидаги ёруғлик майдони бузилишларининг таъсири ва атмосферадаги турбулентлик туфайли синдириш кўрсаткичининг тасодифий узгариши филамент ҳосил бўлиши ва тарқалиш жараёнининг стохастизациясига олиб келади. Натижада, филамент ҳосил бўладиган йўлнинг узунлиги ва филаментнинг ўз узунлиги, яъни суперсонтинуум ҳосил бўладиган йўлнинг қисми, кенг полосали нурланишнинг интенсивлиги, ва унинг спектрал тақсимоти тасодифий бўлади. Шу билан бирга, гига ва тераватт қувватларининг импульсларида лазер нурланиши кундаланг кесимининг кичик қисмларида ўз-ўзини фокуслаш содир бўлади ва натижада кўп филаментларнинг хаотик дастаси ҳосил бўлади. Фемтосекундли лазер импульсида кўп филаментли нурнинг стохастизатсияси Керр ночизиқли муҳитда юқори интенсив ёруғлик майдонининг фазовий беқарорлигининг натижасидир. Лазер тизими чиқишидаги нурланиши интенсивлиги ва фазасининг бузилиши, муҳит синдириш кўрсаткичининг узгариши, кетма–кет импульсларда филаментларнинг тасодифий жойлашишига ва натижада локацияда, орқага қайтадиган сигнал тасодифий бўлиб қолишига олиб келади. Шу билан бирга, мультифиламент ҳосил бўладиган йўл қисмининг узунлиги, нур дастасидаги филаментлар сони, уларнинг ўзаро таъсири ва суперконтинуум нурланишининг характеристикалари тўғрисидаги маълумотлар лазер локаторлари ва фемтосекунд диапазонида ишлайдиган лидерларни ишлаб чиқишда асосий кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади. Атмосферадаги аэрозоллар миқдори, ҳажми ва кимёвий таркибини тез аниқлаш - об-ҳавони олдиндан айтиб бериш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришини назорат қилиш каби метеорологик тадқиқотларнинг асосий вазифаларидан биридир. Бу муаммони лидарлар - атмосферани оптик жиҳатдан зондлаш лазер қурилмаларисиз ҳал қилиш мумкин эмас. Шунинг учун юқорида келтирилган катталиклар ва жараёнларнинг статистик хусусиятларини аниқлаш, ва шу катталиклар ва жараёнларга таъсир этадиган параметрларини ва уларнинг таъсир даражасини аниқлашга йўналтирилган тадқиқотлар ўтказиш зарурдир.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича комплекс ишлар амалга оширилмокда. Амалга оширилган ишлар кўламини ифодалаш учун Орол бўйи минтақасида экологик вазиятни яхшилаш бўйича олиб борилган ишларни эслашни ўзи кифоя. Бу ишларнинг

ажралмас қисми атмосфера ҳолатини оператив кузатиш ва об-ҳавони узгаришини олдиндан айтиб беришдир. Такдим этилаётган олиб борилган тадқиқотлар реал вақт режимида атмосфера ҳолати тўғрисида маълумот олишга қодир бўлган лидерлар тармоғини ривожлантириш ва яратишга, шунингдек, Ер юзасини зондловчи аэро-космик лидерларни яратишга хизмат қилади. Мазкур диссертация иши маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-№2909 от 20 апреля 2017 года “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида” ва ПҚ - №4358 от 17 июня 2019 года “2019 — 2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорларида белгиланган вазифаларни бажаришга хизмат қилмоқда:

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация устида ишлаш жараёнида олиб борилган тадқиқотлар Ўзбекистон Республикасида 2012-2020 йилларда фан ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларида қайд этилган “ПФИ-2 Физика, астрономия ва астрофизиканинг долзарб муаммоларини тадқиқ этиш” бандли устувор йўналишига мос ҳолда бажарилди.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Йирик кашфиётлар фан ва техниканинг турли соҳаларини ривожлантиришга сезиларли таъсир кўрсатади. Оптик нурланишнинг шаффоф, изотроп муҳитда, жумладан, Ер атмосферасида тарқалиши билан боғлиқ бўлган тадқиқотларга лазер физикаси ютуқларининг таъсири бунга ёрқин мисол бўла олади. Атмосферада радиотўлқинларнинг тарқалиши билан боғлиқ тадқиқотлар 20-асрнинг бошларидаёқ жадал суратда олиб борилган эди. Олинган натижаларнинг муҳим қисми В. И. Татарскийнинг 1967 йилда нашр этилган "Турбулент атмосферада тўлқинларнинг тарқалиши" фундаментал асарида тизимлаштирилган. Шу билан бирга, 60-йилларнинг бошларида, лазерлар ихтиро қилингандан сўнг, биринчи марта Г.А.Аскаръян (ФИАН, Москва) томонидан лазер нурланишини изотроп муҳитда ўз-ўзини фокуслаш имконияти тўғрисидаги таклиф қиритилди. Кейинги йилларда эса А.М. Прохоров ва В. В. Коробкин (ФИАН) ва М. Т. Loy и Y. R. Shen (Калифорния университети, АҚШ)лар томонидан ноёб тажрибалар ўтказилди ва суяқликларда филаментация олинди. Кейинроқ Н.Г. Басов бир гуруҳ тадқиқотчилар (ФИАН) билан биргаликда ҳавода филаментация олди. Тажрибалар шуни кўрсатдики, лазер импульсининг изотроп муҳитда ўз-ўзини фокуслаши чегарага эга эффектидир. Шунинг учун, унинг барча хусусиятларини атмосферада намоён қилиш учун гигаВатт даражадаги кувватлар талаб қилинади.

Фемтосекундли лазерларни яратиш ва такомиллаштириш билан ўз-ўзини фокуслаш феноменига қизиқишлар яна жонланди. Титан-сафир актив элементли лазер билан, нурланиш филаментациясини ҳосил қилиш бўйича биринчи тажрибалар деярли бир вақтнинг ўзида бир нечта гуруҳлар

томонидан амалга оширилди, булар Мичиган университети (АҚШ) профессори G. Mourou бошчилигидаги гуруҳ, Палезо (Франция) политехника мактаби профессори A. Mysyrowicz бошчилигидаги гуруҳ, ва Россия-Канада қўшма гуруҳи профессорлар В.П. Кандидов (Ломоносов номидаги МДУ Халқаро ўқув ва илмий лазер маркази, Россия) ва S.L. Chin (Оптика, фотоника ва лазер маркази, Laval университети, Квебек Канада) бошчилигидаги гуруҳлардир. Юқоридаги ва бошқа кўплаб гуруҳларнинг тажрибаларида ўртача тўлқин узунлиги 800 нм бўлган нурланиш ёрдамида узунлиги юзлаб метрдан ортиқ бўлган филаментлар олинган. Ушбу ишларда, шунингдек, суперконтинуум ҳосил бўлиши, рангли халқаларнинг шаклланиши ва нурланишнинг қайта фокусланиш ходисалари қайд этилган.

Ўз-ўзини фокуслаш ходисасига қизиқиш ҳозир ҳам сусаймайди, масалан, Франция ва Германиядаги бешта илмий тадқиқот марказлари тадқиқотчиларини бирлаштирувчи Teramobile француз–немис қўшма лойиҳаси яратилди. Лойиҳада филаментация ходисасини ўрганиш учун 5 тераВатт қувватга эга, импульс давомийлиги 100 фемтосекунд, импульс энергияси 350 мЖ бўлган лазердан фойдаланилади. Ҳавода филаментация ходисасини ўрганиш учун яқинда импульс давомийлиги 30 фемтосекунд ва импульс энергияси 640 мЖ бўлган Extreme Light (XL)-II лазер қурилмасидан фойдаланиш ҳақида хабар берилган. Европа космик агентлиги томонидан олиб борилаётган космик жойлаштиришга мўлжалланган фемтосекундли лазер тизимини яратиш бўйича тадқиқотлар катта истиқболга эга. Ушбу лойиҳанинг мақсади космосда жойлаштирилган қурилма орқали филаментация ходисасидан фойдаланиб атмосферани текширишдан иборат, нурларни қайд қилиш эса ердаги қабул қилувчи қурилмалар томонидан амалга оширилади, бу эса усулнинг сезгирлигини бир неча баробар ортишиги имкон беради.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кўпгина илмий гуруҳлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шаффоф, изотроп, кондерсирланган муҳитлар ва газларда кучли ультрақисқа лазер нурланишининг ўз-ўзини фокуслаш ва филаментацияланиш ходисаларининг бир бирига мос келувчи изчил физик кўринишини яратишга имкон берди. Ушбу тадқиқотларда атмосферада лазер нурланишининг филаментацияси алоҳида ўрин тутди, чунки бу ходисани амалда қўллашнинг катта истиқболлари атмосферада ультрақисқа лазер импульсларининг тарқалиши билан боғлиқ. Ушбу тадқиқотлар туфайли нурланиш энергиясининг макон ва замонда динамик жойлашув жараёни тушунилди, ҳосил бўладиган узун ингичка “ёнувчи ип” – филамент ҳосил бўлиши физик асослари тушинтирилди (Chin Канада гуруҳи). Филаментация жараёни билан бирга юзага келувчи суперконтинуум нурланиши генерацияси ва унинг конуссимон характерга эга эканлиги аниқланди ва бу жараён содир бўлиши ўрганилди (Mourou гуруҳи, АҚШ). Битта лазер нури дастасида кўплаб филаментлар - мультифиламентация ҳосил бўлишининг асосий қонуниятлари (Франция–Германия гуруҳи) томонидан

ўрганилган. Филаментнинг “дайдиб юриши” - «блуждания филамента» жараёни аниқланди ( Кандидов гуруҳи, МДУ).

Кўпгина тадқиқотларда атмосфера турбулентлигининг таъсири ва лазер нурлари геометриясининг номукамаллиги туфайли нурланишнинг филаментацияланиш жараёнининг стохастикланиши таъкидланган, аммо статистик тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда филаментация жараёнини тизимли таҳлил қилиш амалга оширилмаган. Кўп компонентли атмосферада турли объектлар томонидан сочилган ва турбулент атмосферада маълум масофани босиб ўтган нурланишни фотодетекторда қайд этишдаги хатоликларга оид саволлар ҳам четда қолдирилди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси грантларини амалга ошириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари жараёнида амалга оширилган;

"Атмосфера турбулентлигининг ультрақисқа лазер импульслари филаментларининг шаклланиши ва тарқалишига таъсирини ўрганиш" 2006-2007 йиллардаги № 61-06 сонли шартнома;

“Атмосферада ультрақисқа лазер импульсларининг мултифиламентларининг шаклланиши ва тарқалишини текшириш”, 2008-2009 йиллардаги № 38-08-сонли шартнома;

"Атмосфера аэрозолида ультрақисқа лазер импульсларининг филаментация жараёнини ўрганиш" 2010-2011 йиллардаги № 14-10 сонли шартнома

Кейинги йилларда ЎзМУ физика факултети Оптика ва лазер физикаси кафедраси (ҳозирда Фотоника кафедраси) илмий иш режасига мувофиқ ишлар доирасида олиб борилди.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Диссертация устида ишлаш жараёнида олиб борилган тадқиқотларнинг мақсади тасодифий жараёнларни ўрганишда қўлланиладиган, натижаларни қайта ишлашнинг статистик усулларида фойдаланган ҳолда турбулент атмосферада юқори қувватли ультрақисқа лазер импульсларининг тарқалиш жараёнини ўрганиш. Тадқиқотнинг мақсади, шунингдек, кучсиз оптик майдонларни ўлчашдаги аниқликнинг статистик чегарасини аниқлаш. Бу турдаги масалалар лазер нури филаментлари ёрдамида атмосферани юқори катламларини зондлаш ва узок масофадаги нишонларни кенг полосали нурланиш билан локациялаш масалаларидан келиб чиқади.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидагилар **тадқиқотнинг вазифалари** этиб белгиланди:

атмосфера трассасининг хусусиятлари билан аниқланадиган кийматларига мос келадиган атмосфера турбулентлигини моделлаштириш методикасини, алгоритмини ва дастурини ишлаб чиқиш;

изотроп муҳитда Керр ночизиклиги таъсири шароитида, “нурлар траекториялари усули” яқинлашувида нурлар траекторияларининг ўзгаришини тавсифловчи рекурент ифодани олиш;

турбулент атмосферада ультрақисқа лазер импульсларининг ночизикли фокусининг узунлигини аниқлаш учун ҳисоблаш алгоритмини ишлаб чиқиш ва дастурий таъминотни яратиш ва атмосфера турбулентлигини филаментлар шакилланиш жараёнига таъсири;

атмосфера аэрозолининг атмосферада лазер нурланишининг ультрақисқа импульсларининг тарқалишига ва нурланишнинг ўз-ўзидан фокусланиш жараёнига таъсири;

атмосфера турбулентлиги шароитида лазер импульсининг тарқалишига ва филамент ҳосил бўлишига бошланғич текисликдаги импульсининг фазовий шаклининг таъсири;

лазер нурланиши импульси керр муҳитида тарқалишида, мультифиламентдаги филаментлар сони импульс қуввати ва босиб утилган масофага боғликлиги.

берилган шамол режимида турбулент атмосферада ультрақисқа импульслар кетма-кетлигининг тарқалишида, нурланишнинг ютилиши туфайли, синдириш кўрсаткичининг ўзгаришига таъсири;

кучсиз нурланишни қайд қилишда, фотосаноқлар нисбий дисперсияси  $\beta_n^2$  ва ёруғлик интеграл интенсивлигининг таҳсимотини саралаш вақтига боғликлиги;

фотосаноқлар корреляция функцияси ва интеграл интенсивлик таҳсимоти орасидаги боғланишни турли саралаш вақтларида аниқлаш;

турли саралаш вақтларида қабул қилиш қурилмасининг “ўлик холатидаги вақтини” фотосаноқлар таҳсимотида таъсири аниқлаш. Фотосаноқлар таҳсимоти турбулент атмосферада тарқалган нурланишнинг флукуацияларини аниқлаш учун қўлланилади

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўз-ўзини каналлаштириш режимида турбулент атмосферада тарқаладиган юқори қувватли ультрақисқа лазер импульси танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни чизикли бўлмаган Керр эффекти таъсири остида турбулент атмосферада кучли ультрақисқа лазер импульсининг ўз-ўзини фокуслаш жараёни ва нурланишнинг Керр фокусировкаси ва нурланиш натижасида ҳосил бўлган кам зичликдаги плазма томондан дефокусланиши ўртасидаги динамик мувозанат туфайли лазер нурланишининг филаментацияси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда қўйилган муаммоларни ҳал қилиш учун ҳал қилинаётган муаммога қараб турли усуллардан фойдаланилган: изотроп муҳитда элементар нурларнинг тарқалишини тавсифловчи рекурент ифодаларни олиш учун аналитик усуллардан, таркибида аэрозоллар бўлган турбулент атмосферада нурланишнинг филаментланиш жараёнига таъсир этувчи қонуниятларни аниқлаш учун математик моделлаштириш усулларида ва кучсиз оптик нурланишни қайд

этишда интеграл интенсивликнинг тақсимотини фототокни аниқлаш аниқлигига таъсирини ўрганиш учун тажриба модели усули.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

биринчи марта филаментнинг ҳосил бўлиш ва тарқалиш ҳолатига мос келадиган цилиндрик симметрик муҳитда нурлар траекторияларининг ўзгаришини тавсифловчи рекурент ифода олинди. Кейинчалик муҳитнинг цилиндрик симметрик бўлиши талаби интенсивлик тақсимотининг градиенти ёрдамида олиб ташлаш мумкинлиги кўрсатилди;

биринчи марта турбулент атмосферада ва аэрозолларни ўз ичига олган атмосферада нурланишнинг тарқалишини моделлаштириш учун тасодифий линзалар моделидан фойдаланиш имконияти кўрсатилди, бу филаментнинг ўртача узунлигини аниқлашда флуктуацияларни камайтириш имконини бериши аниқланди.

атмосфера аэрозолининг ультрақисқа импульсларнинг тарқалишига ва атмосферада филамент ҳосил бўлишига таъсири тадқиқ этилди ва биринчи марта лазер нурланиши импульсларининг тарқалишига аэрозолнинг таъсири аэрозол ўлчамларига боғлиқлиги аниқланди;

нурнинг эллиптиклик даражаси ультрақисқа лазер импульсининг тарқалишига ва ўз-ўзини фокуслашга, критик қувватдан ўнлаб марта катта қувватга эга бўлган импульсларда тадқиқ этилди, ва даста эллиптиклик даражасини ўзгартириб, ночизиқли фокус масофасини узунлигини ва филамент узунлиги бошқариш мумкинлиги аниқланди;

атмосферада ультра қисқа импульсларнинг тарқалишида нурланишнинг ютилиши туфайли муҳитнинг синдириш кўрсаткичи ўзгариши тадқиқ қилинди ва биринчи марта ютилиш натижасида атмосферада нуртола ҳосил бўлиши ва у импульс билан биргаликда шамол таъсирида силжиши мумкинлиги аниқланди;

Гаусс тақсимотига бўй синмайдиган майдон учун фотосаноқларнинг нисбий дисперсияси  $\beta_n^2$  саралаш вақтига боғлиқлиги тадқиқ қилинди. Биринчи марта интеграл интенсивликни тақсимоти саралаш вақтига боғлиқ эмаслиги аниқланди. Саралаш вақтига тақсимот параметри боғлиқлиги аниқланди;

биринчи марта интенсивлик тақсимотини фотосаноқларнинг битта корреляция функциясини ўлчаш орқали, турбулент атмосферада тарқалган лазер нурланиши фотосаноқларининг статистик характеристикаларини, саралаш вақтининг кенг диапазонида, шу жумладан  $T \approx \tau_c$  ҳолат учун ҳам, аниқлаш мумкинлиги кўрсатилди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** берилган турбулентлик характеристикалари билан силжиб йиғиш усулида атмосферадаги турбулентликни моделлаштирувчи фазали экранларни яратиш алгоритми ишлаб чиқишдан иборат. Ёруғлик дастаси эллиптиклигининг ўз-ўзини фокуслаш пайтида чизиқли бўлмаган фокус узунлигини ва филаментация пайтида филамент узунлигини оширишга ёрдам бериши кўрсатилди. Лазер нурланиши ультрақисқа импульсларининг кетма-кетлиги атмосферада тарқалиш жараёнида олдинги импульс нурланишининг қисман ютилиши

ҳисобига кейинги импульс учун нуртола ҳосил бўлиб, у трассага ён томондан эсадиган шамол таъсирида силжиб кетиши мумкинлиги кўрсатилди. Фотосаноқлар статистикасига қабул қилувчи қурилманинг “ўлик вақти” таъсирини аниқлаш алгоритми ишлаб чиқилди ва дастур яратилди, бу эса фотосаноқларни тақсимотида тегишли тузатишларни тезкорлик билан киритиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот методологиясининг асослилиги, статистик ва ночизиқли оптиканинг асосли усуллари ва ёндашувларидан фойдаланиш, натижаларни сифатли ва аниқ қайта ишлаш усулларидан фойдаланиш билан таъминланади. Тузилган хулосаларнинг ишончлилиги атмосферада ультрақисқа лазер импульсларининг тарқалиши бўйича тадқиқотлар соҳасида ишлайдиган бошқа муаллифларнинг натижалари билан ўзаро мос келишига асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Олинган натижалар ультрақисқа импульсларни ўз-ўзи фокуслаш жараёни ҳақида тасавурни кенгайтиради. Нур траекториялари усули ёрдамида турбулент атмосферада ультрақисқа лазер импульсларининг тарқалишини моделлаштиришнинг янги усули таклиф қилинди. Ишлаб чиқилган усул квазиреал тадқиқот режимида филаментацияланиш ўртача узунлигини аниқлаш ва ультрақисқа лазер импульслари ёрдамида атмосферани зондлашда тажрибаларни режалаштириш имконини беради. Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти, атмосфера ва бошқа объектларни масофадан туриб диагностика қилиш учун фемтосекундли лидарларда бир қатор ультрақисқа лазер импульсларининг тарқалиши пайтида нуртола каналнинг пайдо бўлиши ва унинг шамол ён компоненти таъсирида силжиши ҳисобга олиниши кераклиги кўрсатилди ва ўтаузоқ масофаларда ишлайдиган локация қурилмаларининг ишлашини оптималлаштириш учун турли хил намуна олиш вақтларида нурланиш интенсивлиги тақсимотини ўрганилди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Цилиндрсимон қатламли муҳитда нурларнинг траекториясини тасвирлаш учун олинган рекурент муносабатлар хорижий нашрлардаги бир қатор тадқиқотларда ( S. Johnson, F. Kuppers, S. Pau *Efficiency of continuous-wave solar pumped semiconductor laser*, Optics & Laser Technology, Volume 47, April 2013,

Pages 194-198; P. Reusswig, S. Nechayev, M. Tomes, T. Carmon, M. Baldo, and C. Rotschild *Efficient incoherent pumping for high-Q micro-lasers*, OSA Technical Digest (online) (Optical Society of America, 2012); H. Costa, J. Almeida, D. Liang, D. Garcia, M. Catela, B. D. Tibúrcio, C R. Vistas *Design of a multibeam solar laser station for a megawatt solar furnace* SPIE, Engineering Volume 59 · № 8 , AUGUST 2020 <https://doi.org/10.1117/1.OE.59.8.086103>); Vistas, C. R., Liang, D., Garcia, D., Tibúrcio, B. D., & Almeida, J. (2020). 32 W TEM 00-Mode Side-Pumped Solar Laser Design. Applied Solar Energy, 56(6), 449-457) фойдаланилган. Олинган натижалардан фойдаланиш, муаллифларга ҳозирги кунда турли лазерларининг ўзгартириш самарадорлиги бўйича

эришилган натижалардан сезиларли даражада юқори натижалар олиш мумкинлигини исботлаш имконини берди.

Диссертация иши доирасида бажарилган илмий ишлар асосида олинган, фотосаноклар корреляцион функциясидан фотосаноклар тақсимот зичлиги функциясини тиклаш методикаси Ўзбекистон Миллий университети “Оптика ва лазер физикаси” кафедрасида Давлат амалий - тадқиқот дастурлари доирасида 2009 – 2011 йилларда бажарилган № ИТД 15-020 “Сочувчи муҳитлар диагностикаси учун лазерли фотон-корреляцион спектрометрни ишлаб чиқиш” (Разработка лазерного фотон-корреляционного спектрометра для диагностики рассеивающих сред) номли амалий тадқиқот лойихасида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий университети 2021 йил 24 ноябрь санасидаги № 01/11-7609 ракамли малумотномаси). Ушбу натижалардан фойдаланиш фотосаноклар тақсимот зичлиги функциясини фотосаноклар корреляцион функциясидан диссертацияда келтирилган муносабат ёрдамида аниқлаш ва шу орқали ишлаб чиқилган курилманнинг самарадорлигини ошириш имконини берган.

Диссертация иши доирасида бажарилган илмий ишлар асосида олинган, атмосферада ультрақиска лазер импульсларининг тарқалишида содир бўладиган ўз – ўзини фокуслаш жараёнини ҳақидаги маълумотлар, Тошкент давлат техник университети “Умумий физика” кафедрасида Давлат фундаментал – тадқиқот дастурлари доирасида (2012–2016) йилларда бажарилган № Ф2-49 “Фазовий модуляцияга эга квадратик ва кубик нозикли сингдирувчанликли муҳитларда ультрақиска лазер импульсларини муҳит билан квазисинхрон таъсирлашуви” (“Квазисинхронные взаимодействия сверхкоротких лазерных импульсов в средах с пространственной модуляцией квадратичной и кубической нелинейной восприимчивостью”) номли фундаментал тадқиқот лойихасида фойдаланилган (Тошкент давлат техник университети 2021 йил 22 ноябрь санасидаги № 01/9-14-3302 ракамли малумотномаси). Ушбу натижалардан фойдаланиш инерт газларда ультрақиска лазер импульслари тарқалишида филаментация ходисасини олдини олиш ва инерт газларда иккинчи ва учинчи гармоникалар генерациялаш жараёнига таъсир этувчи омилларни камайтириш имконини берди.

Диссертацияда олинган шаффоф муҳитларда ультрақиска лазер импульсларини тарқалишини ифодалофчи рекурент муносабатдан Ўз ФА Ион-плазма ва лазер технологиялари институти Давлат фундаментал – тадқиқот дастурлари доирасида (2017-2020) йилларда бажарилган ОТ-Ф2-49 «Юқори қувватли субпетаватт фемтосекундли лазер нурланишини ҳосил қилиш ва унинг моддалар билан ўзаро таъсирини ва кучайтириш усуллари тадқиқ қилиш ва яратиш» («Исследование и создание методов генерации и усиления мощного субпетаваттного фемтосекундного лазерного излучения и его взаимодействия с веществом») номли фундаментал тадқиқот лойихасида фойдаланилган. Диссертация ишидан фойдаланиш оптик кучайтиргич ва нозикли кристалда ультрақиска, катта қувватли лазер импульслари

тарқалишида филаментация ходисасини олдини олиш ва филаментация туфайли қурилмаларни бузилишга олиб келувчи омилларни йўқотиш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация иши натижалари 16 та халқаро ва республика конференцияларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган .

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича олинган натижалар 36 та илмий ишда тақдим этилган, шундан 11 та илмий мақола илмий-тадқиқот журналларида, шу жумладан, 5 та хорижий журналларда ва 6 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини нашр этиш учун тавсия этилган республика илмий журналларида тақдим этилган, халқаро илмий конференцияларда 10 та тезис, республика конференцияларида 14 та тезислар, битта компьютер дастурий маҳсулини рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши 192 бетдан иборат бўлиб, кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертацияга 49 расм киритилган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисми диссертация мавзусининг долзарблиги ва унга талабнинг мавжудлигини асослайди, тадқиқот мақсади ва вазифаларини белгилайди, тадқиқот объекти, предмети ва усулларини белгилайди, олинган натижаларнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамиятини белгилайди, ишончлилигини асослайди. натижалар, натижаларни амалга ошириш, ишнинг апробацияси ва диссертация тузилиши ҳақида қисқача маълумот беради.

Диссертациянинг **“Изотроп муҳитда лазер нурланишининг тарқалиши ва атмосферада ультрақисқа лазер пулсининг филаментланиши”** деб номланувчи биринчи бобида адабиётлар таҳлили асосида лазер физикасининг ривожланиши, лазер нурланишининг сифатини ошириши, нурланишни қабул қилувчиларни ва нурланишни қайд этиш усулларини такомиллашиши, лазер локацияси ва атмосферани зондлаш бўйича бир қатор масалаларни ечиш имконини берди.

21-асрда давом этган лазер физикасининг жадал ривожланиши бир қатор янги ҳодисаларни кашф қилиш имконини берди, улар орасида филаментация ҳодисаси ўзининг аниқ амалий қўлланилиши билан ажралиб туради. Масалан, атмосфера ифлосланишини назорат қилиш ва об-ҳавони башорат қилиш, турли объектларни чакмоқ уришидан ҳимоя қилиш ва бошқалар..

Филаментация шаффоф муҳитда тарқаладиган кучли ультрақисқа лазер нурланишининг ўз-ўзига таъсир қилиш жараёнининг ташқи кўринишидир. Икки ночизиқли жараённинг динамик ўзаро таъсири, яни, Керр эффекти натижасида нурланишнинг ўз-ўзидан фокусланиши ва импульснинг тарқалиши пайтида муҳит молекулаларнинг туннел ионланиши натижасида ҳосил бўлган

паст зичликдаги плазма томондан нурланишнинг дефокусланиши, нурланишнинг ўз-ўзининг фаза ва частотасини модуляциялаши учун шароит яратади. Шунинг учун филаментация кенг полосада тўлқин узунлиги эга кучли нурланиш (суперконтиниум) ҳосил бўлиши билан бирга келади. Бундай нурланиш атмосфера газлари таркибини масофавий спектроскопик таҳлил қилиш учун катта имкониятлар очади. Нурланишни сезиларли масофаларга деярли йўқотишларсиз узатиш ва шу билан бирга суперконтиниум ҳосил бўлиш имконияти, ҳам зондлаш, ҳам лазер локацияси учун жозибадор истиқболдир.

Филаментланиш ҳодисаси фундаментал жараён эканлиги ва барча шаффоф изотроп муҳитларга ҳослиги кўрсатилган. Атмосферадаги филаментланиш жараёни тасодифий хусусиятга эга эканлиги ва уни тавсифлаш учун статистик маълумотларни қайта ишлаш усуллари жалб қилиш кераклиги кўрсатилган.

Диссертациянинг "**Атмосфера турбулентлиги ва унинг оптик нурланишнинг тарқалишидаги намоён бўлиши**" номли иккинчи бобида атмосферанинг хусусиятлари тавсифланади ва тасодифий бир жинсли бўлмаган муҳитларни тавсифлаш учун ишлатиладиган усуллар келтирилган. Атмосфера синдириш кўрсаткичининг  $n_1$  тасодифий узгаришларини тавсифлаш учун статистик физика усулларидан фойдаланиш зарурлиги кўрсатилган ва  $n_1$  тасодифий жараённинг энг муҳим статистик тавсифларидан бири фазовий автокорреляция функцияси бўлиб, у қуйидагича аниқланади,

$$\mathbf{R}_n(\mathbf{r}_1, \mathbf{r}_2) = \langle n_1(\mathbf{r}_1), n_2(\mathbf{r}_2) \rangle, \quad (1)$$

бу ерда бурчак қавслари ансамбль бўйича ўртача қийматини билдиради.

Атмосферадаги  $n_1$  фазовий стационар тасодифий жараён бўлгани учун, яъни, жараён статистик жихатидан стационар, у ҳолда унинг автокорреляция функцияси фақат координаталар фаркига боғлиқ ва уни қуйидагича ёзиш мумкин

$$\mathbf{R}_n(\mathbf{r}) = \langle n_1(\mathbf{r}_1), n_1(\mathbf{r}_1 - \mathbf{r}) \rangle, \quad (2)$$

бу ерда  $\mathbf{r} = \mathbf{r}_1 - \mathbf{r}_2 = (\Delta x, \Delta y, \Delta z)$ . Винер-Хинчен теоремасига кўра, тасодифий жараённинг автокорреляция функцияси Фурье трансформацияси орқали ушбу жараённинг спектрал кувват зичлиги билан боғлиқдир. У ҳолда  $n_1$  тасодифий жараённинг спектрал зичлиги куввати,  $\mathbf{R}_n(\mathbf{r})$  катталикини уч ўлчовли Фурье алмаштириши билан аниқланади

$$\Phi_T(\boldsymbol{\kappa}) = \frac{1}{(2\pi)^3} \iiint_{-\infty}^{+\infty} \mathbf{R}_n e^{i\boldsymbol{\kappa}\mathbf{r}} d^3\mathbf{r} \quad (3)$$

бу ерда  $\boldsymbol{\kappa} = (\kappa_x, \kappa_y, \kappa_z)$  – фазовий частота вектори сифатида қаралиши мумкин бўлган тўлқин вектори, унинг ҳар бир компоненти радиан/метр бирликларида ўлчанади.

Изотроп муҳитда лазер нурланишининг тарқалишини моделлаштиришда нурланишнинг тарқалиш йўналишига перпендикуляр текисликдаги муҳитнинг синдириш кўрсаткичининг ўзгаришларининг

автокорреляция функцияси билан фойдаланиш кифоя. Бундай ҳолда, икки ўлчовли автокорреляция функцияси билан ва унга боғлиқ бўлган икки ўлчовли спектрал қувват зичлиги  $n_1(r)$  координатаси  $z$  аниқланган текисликда фойдаланиш керак. Бу икки ўлчовли қувват спектрал зичлиги  $F_n(\mathbf{x}, \mathbf{y}; z)$  функция билан ифодаланади. Икки ўлчовли автокорреляция функцияси  $B_n(\boldsymbol{\rho}; z)$ , икки ўлчовли спектрал қувват зичлиги билан боғлиқ

$$F_n(\mathbf{x}; z) = \frac{1}{(2\pi)^2} \iint_{-\infty}^{+\infty} B_n(\boldsymbol{\rho}; z) \exp(i\mathbf{x}\boldsymbol{\rho}) d^2\boldsymbol{\rho} \quad (4)$$


$$B_n(\boldsymbol{\rho}; z) = \iint_{-\infty}^{+\infty} F_n(\mathbf{x}; z) \exp(-i\mathbf{x}\boldsymbol{\rho}) d^2\mathbf{x} \quad (5)$$

бу ерда энди  $\mathbf{x} = (x, y)$ ,  $\boldsymbol{\rho} = (\Delta x, \Delta y)$ , ва таъриф бўйича автокорреляция функцияси  $B_n(\boldsymbol{\rho}; z)$  – иккинчи тартибли аралаш момент

$$B_n(\boldsymbol{\rho}; z) = \langle n_1(\boldsymbol{\rho}_1; z) * n_1(\boldsymbol{\rho}_1 - \boldsymbol{\rho}; z) \rangle \quad (6)$$

Нурланиш тарқалишида узлуксиз атмосфера турбулентлигининг таъсири тўлқин фазасининг тасодифий ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун узлуксиз муҳитнинг таъсирини дискрет экранлар билан алмаштириш мумкин, бунда нурланиш фазаси узлуксиз муҳитда тарқалиш пайтида оладиган қийматга мувофиқ равишда, фаза экранда кескин ўзгартилади. Турбулентлик таъсирини тақлид қилувчи фазали экранлар Карман моделига асосланиб, сирпанувчи суммалаш усулидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, унда синдириш кўрсаткичи фазовий флуктуацияси икки ўлчовли спектри куйидаги кўринишда олинган,

$$F_n(k_x, k_y, k_z) = 0.33 C_n^2 * (k^2 + k_0^2)^{-11/6} \left[ \exp\left(-\frac{k^2}{k_m^2}\right) \right] \quad (7)$$



1-расм. Бир фазали экран ўтилганда нурланиш майдонининг фазасидаги ўзгариш, радианларда. Абцисса ва ордината ўқлари  $5 * 10^{-5}$  м қадамга эга бўлган фазовий ячейкалар сонлари.

кўрсатаган. Тўлқин фазаси бундай ортирмани турбулент атмосферада ўтишига тўғри келади.

бу ерда,  $k_x, k_y, k_z$  - частота фазасидаги координаталар,  $k_0 = 2\pi/L_0$  и  $k_m = 5.95/l_0$  – минимал ва максимал флуктуация частотаси,  $L_0$  и  $l_0$  – турбулентликнинг ташқи ва ички масштаби,  $C_n^2$  - атмосфера синдириш кўрсаткичининг структуравий доимийси.

1-расмда атмосфера турбулентлиги тасодифий ҳолатини учун фаза экрандаги нурланиш майдонининг фазасининг ортирмаси қийматларини 1 м узунликдаги йўлни

Ушбу фазали экранлар сериясида структуравий доимийнинг қиймати  $C_n^2 = 5.0 \cdot 10^{-14} \text{ м}^{-2/3}$  деб қабул қилинди. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу қиймат кучли атмосфера турбулентлигига мос келади. Турбулентликнинг ташқи шкаласи трассанинг ер устидаги баландлиги билан аниқланади ва у  $L=1\text{м}$  га тенг деб олинган. Турбулентликнинг ички масштаби  $l=0.001\text{м}$  деб қабул қилинган.

Олинган натижаларнинг ҳақиқий экспериментал қийматларга мослигини текшириш учун фаза экрандаги нурланиш фазасининг структура функцияси ҳисоблаб чиқилди. Ҳисоб-китоблар нурланиш фазасининг структура функциясини аниқлаш учун мослаштирилган ифода асосида амалга оширилди,

$$D_\varphi(r_1, r_2) = \langle (\varphi_1(r_1) - \varphi_1(r_2))^2 \rangle \quad (8)$$

Нурланиш фазасининг ўзгариши атмосферанинг синдириш кўрсаткичининг ўзгариши билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли, фазанинг структуравий функцияси қуйидаги қонунга мувофиқ ўзгаради деб тахмин қилиш мумкин

$$D_\varphi(r) = C_\varphi^2 * r^{2/3} \quad (9)$$

бу эрда  $C_\varphi^2$  – турбулент муҳитда нурланишнинг тарқалиши туфайли тўпланган нурланиш фазасидаги флуктуациялар амплитудасини тавсифловчи қиймат. Натижалар таҳлили шуни кўрсатдики, ишлаб чиқилган дастурий маҳсулот ёрдамида олинган фазали экранлар фазасининг структуравий функцияси  $r^{2/3}$  боғлиқлиги билан яхши тавсифланган. Машина тажрибаларида олинган маълумотларнинг (9) формула билан аниқланган ҳисобланганлардан кичик тасодифий оғишлари кузатилди. Бу оғишлар фазанинг структуравий функциясини аниқлашда ўртача миқдорлар сонининг чекланганлиги билан боғлиқ.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқилган модел атмосферада турбулентликнинг қисқа масофаларда атмосферада тарқаладиган лазер нурланишига таъсирини етарли даражада аниқлик билан такрорлайди деб айтиш мумкин. Узоқ масофаларда интенсивлик ўзгаришларининг тўйинганлик таъсирини ҳисобга олиш керак.

**"Чизиксиз фокуснинг ўртача узунлигини аниқлаш"** номли учинчи бобда ультрақисқа лазер импульсларини ўз-ўзини фокуслашда ночизикли фокусни аниқлаш учун нурни кузатиш усули (Ray – tracing methods) ишлатилган. Лазер чиқишидаги интенсивликнинг фазовий тақсимланишининг Гаусс тақсимоти эга ва атмосфера синдириш кўрсаткичига  $n_0$  га, ночизикли кўшимчанинг  $n(I)$  нурланиш интенсивлигига пропорционаллик асосланиб, муҳитни аксиал симметрик деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу тахмин цилиндрсимон симметрияга эга, қатламли муҳитда лазер нурланишининг тарқалишини ҳисобга олган ҳолда ночизикли фокусни аниқлаш масаласини ечиш имкони беради. Сферик қатламли муҳитдаги нурлар траекторияси тенгламасига ўхшаш, аксиал қатламли муҳит учун қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\frac{dr}{dx} = \frac{\sqrt{1 + \frac{2n_2}{n_0} \frac{dl}{dr} dr - \cos^2 \theta}}{\cos \theta} \quad (10)$$


бу ерда,  $r$  - кўндаланг координата,  $n_0$  - муҳитнинг синдириш кўрсаткичи,  $dl/dr$  - кўндаланг координатага нисбатан интенсивликнинг ҳосиласи,  $\theta$  - лазер нурнинг  $z$  ўқи билан ҳосил қиладиган бурчаги.

Бир қатор ўзгартиришлардан сўнг, ҳар бир  $dz$  қадамда, кўндаланг координата  $dr$  ўсишини қуйидагича аниқлаш мумкин:


$$dr = \left[ \frac{n_2}{n_0} \frac{dl}{dr} + \sqrt{\left( \frac{n_2}{n_0} \frac{dl}{dr} \right)^2 + \frac{\cos^2 \theta (1 - \cos^2 \theta)}{dz^2}} \right] * \frac{dz^2}{\cos^2 \theta} \quad (11)$$

Олинган ифодадан фойдаланиб, компьютер модели ишлаб чиқилди, бу ерда нурланишнинг кундаланг кесими  $\Delta x = \Delta y = 0.12$  мм қадам билан  $100 \times 100$  квадрат тўрга бўлинган. Ҳар ячейка ичида интенсивлик ва ночизиқли кўшимча  $n_2(I)$  битта кийматга эга деб қабул қилинган. Ҳисоб-китоблар икки ўлчамли Гаусс тақсимотиға мувофиқ, бошланғич координаталари Монте-Карло усули билан  $z=0$  текислигида аниқланган нурларнинг траекториясини ўзгаришини кўриб чиқади.

2-расмда филаментация бошланишидан олдин нурланиш босиб ўтган йўл узунлигини аниқлаш бўйича тажрибалар натижаларини кўрсатилган. Бу ерда 1-эгри чизик диффракция таъсирини ҳисобга олган ҳол, 2-эгри чизик диффракция ҳисобга олинмаган ҳол, ва 3-эгри чизик турбулентлик ва диффракция ҳисобга олган ҳолда олинган натижалар. Графиклардан кўриниб турибдики, нурланиш қуввати катта булганда диффракция таъсири камроқ бўлади.  $P=8*P_{cr}$  да диффракцияни ҳисобга олган ҳолда филаментация бошланишигача бўлган масофанинг нисбий узайиши 8% ни ташкил этди.



2-расм. Муҳитда чизикли бўлмаган фокуснинг ҳосил бўлиш узунлигининг лазер импульсининг қувватга боғлиқлиги, 1 – фақат диффракцияни ҳисобга олган ҳолда, 2 - диффракцияни ҳисобга олмаганда, 3 - турбулент атмосферада диффракцияни ҳисобга олган ҳолда



3-расм. Муҳитда  $P=6.3P_{cr}$  ва  $P=2 P_{cr}$  қувватга эга бўлган импульснинг марказий кўндаланг кесимида (1) ва турбулент атмосферада  $C_n^2(C_n^2(3)) > C_n^2(2)$  нинг икки қийматида максимал интенсивликнинг нисбий ўзгариши.


Импульс қувватининг пасайиши билан диффракциянинг таъсири кучаяди ва  $P=2*P_{cr}$  да у 55% ни ташкил этди.

Бизнинг ҳисобимизда амалга оширилган шартлар учун  $P \geq 5 * P_{cr}$  да диффракция таъсири деярли аҳамиятсиз. Пастроқ қувват қийматларида диффракциянинг чизиқли бўлмаган фокус шаклланишининг узунлигига таъсирини ҳисобга олиш керак.

3-расмда марказий вақт қатламидаги энг юқори интенсивликнинг босиб ўтган масофага боғлиқлиги кўрсатилган. Такдим этилган натижалардан кўриниб турибдики, турбулентлик таъсири марказий қатлам интенсивлигини ортиш жараёни тезлашишига олиб келади. 3-расмда интенсивлик ўзгариши қувватнинг икки қиймати ва  $C_n^2$  нинг икки турли қиймати учун масофага боғлиқлиги кўрсатилган. Бу ерда таққослаш учун турбулентлик бўлмаганда интенсивликнинг боғлиқлиги кўрсатилган. Кутилганидек, бир хил турбулентлик ва  $P=2*P_{cr}$  да, турбулентлик таъсири  $P=6.3*P_{cr}$  га қараганда анча аниқ кўринди. Ҳар бир ҳолатда турбулентликнинг ошиши чизиқли бўлмаган фокус ҳосил бўлиш узунлигининг қисқаришига олиб келди.

Аэрозол зарралари ансамблининг таъсирини тавсифлаш учун муҳитнинг ўзи бир жинсли бўлмаганлигини тавсифлаш учун таклиф қилинган усул қўлланилади. Ушбу усулни дисперс муҳитга кенгайтириш таклиф этилади. Таклиф этилган усулга асосланиб, дисперс муҳит  $\Delta z$  кенглигидаги қатламлар кетма-кетлиги сифатида ифодаланади ва битта дисперс қатламда жойлашган барча зарралар битта текисликда, аэрозол экрани деб аталадиган жойда тўпланади. Атмосфера турбулентлигининг таъсири бошқа фазали экран билан тавсифланади.

3.3-расмда бажарилган тажрибалар натижалари кўрсатилган. Тажрибалар марказий қатламдаги қалинлигининг иккита қиймати учун ўтказилди; **a** -  $P_0 = 30*10^9$  Вт, **b** -  $P_0 = 300*10^9$  Вт, бу ҳаводаги танқидий ўз-ўзини йўналтириш қувватидан 5 ва 50 баравар юқори. 1-чизиқ ҳар бир гуруҳда фақат Керр ночизиқчилигининг таъсири ҳолати учун олинган тажрибалар, 2-



4-расм. Импульснинг марказий вақт қатламидаги нурланиш интенсивлигининг босиб ўтган масофага боғлиқлиги

чизиқ турбулентлик ва Керр ночизиқчилиги таъсирини ҳисобга олган ҳолда тажрибалар, 3-чизиқ аэрозоллар ва Керр ночизиқчилиги таъсирини ҳисобга олган ҳолда тажрибалар. Аэрозол заррача диаметри  $d = 30$  мкм бўлган монодисперс деб қабул қилинди.

Такдим этилган графиклардан кўриниб турибдики,  $P_0 = 30*10^9$ Вт (4-расм а-тўплам), ҳам турбулентлик, ҳам аэрозолларнинг таъсири фокусланиш жараёнини тезлаштирди, аммо аэрозолларнинг таъсири турбулентликдан кам

самаралидир.  $P_0 = 300 \cdot 10^9$  Вт (4-расм, б-тўплам) бўлганда, турбулентлик таъсири фокусланиш жараёнини тезлаштирди, аэрозоллар таъсири фокуслаш жараёнининг секинлашишига олиб келди.

Катта аэрозоллар нурланишнинг тарқалишига ва филаментларнинг шаклланишига энг катта таъсир кўрсатади. Бу юқори қувватга эга бўлган импульсда аэрозоллар ўлчамлари тартибидаги ва ўз-ўзини фокуслашнинг критик қувватидан юқори қувватга эга бўлимлар мавжудлиги билан изоҳланади. Бундай жойларда фокусланиш бўлади ва филамент шаклланишининг узунлиги қисқартирилади. Пастроқ қувватларда аэрозолларда фокусланиш муҳитнинг чизикли бўлмаганлиги сабабли фокуслаш марказларини шакллантиришда бир жинслимасликларни келтириб чиқаради, бу эса нурнинг фазовий беқарорлигига олиб келади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, кичикроқ ўлчамдаги ( $d \sim 2$  мкм ва ундан кам) аэрозоллар, нурланиш қувватидан қатъи назар, филамент ҳосил бўлиш жараёнига деярли таъсир қилмайди.

Амалга оширилган рақамли тажрибалар асосида шуни айтиш мумкинки, атмосфера аэрозолининг атмосферада ультрақиска лазер импульсларининг тарқалишига таъсири нурланиш кучининг энг юқори қийматига ва аэрозоллар ҳажмига боғлиқ. Юқори қувватларда катта аэрозоллар фокусланиш жараёнини тезлаштиради. Кам қувватларда катта аэрозолларнинг таъсири филамент шаклланиши жараёнини секинлаштиради. Кичик аэрозоллар филамент шаклланишига деярли таъсир қилмайди.

**“Тўлқин оптикиси яқинлашувида ультрақиска лазер импульсларининг филаментацияси”** номли тўртинчи бобида фазали экран усули билан биргаликда тўлқин яқинлашувидан фойдаланган ҳолда олинган лазер нурланишининг филаментациясини ўрганиш бўйича рақамли тажрибалар натижалари келтирилган. Фазали экран усулидан фойдаланиш муҳитга ва нурланишга маълум чекловлар қўядиган бир қатор тахминларга асосланади. Ушбу чекловларни ҳисобга олган ҳолда, комплекс майдон амплитудаси  $E(\mathbf{r}, z, t)$  қуйидагича ёзилиши мумкин

$$2ik_0 \frac{\partial E}{\partial z} = \Delta_{\perp} E - k_0 \frac{\partial^2 k}{\partial \omega^2} \frac{\partial^2 E}{\partial \eta^2} + k_0^2 \frac{\epsilon_{\text{нл}} + \epsilon_{\text{но}}}{\epsilon} E - ik_0 \alpha_{\Sigma} E, \quad (12)$$

бу ерда  $\eta = t - z/u_{\text{гр}}$  - ҳамроҳлик қилувчи координаталардаги вақт,  $k_0 = \omega \sqrt{\epsilon \epsilon_0 \mu_0}$  - безовталанмаган муҳит учун тўлқин сони,  $\epsilon_0$ ,  $\mu_0$  - электр ва магнит доимийлар,  $\epsilon = \text{Re}(\epsilon)$ ,  $\epsilon_{\text{нл}} = \text{Re}(\epsilon_{\text{нл}})$ ,  $\epsilon_{\text{но}} = \text{Re}(\epsilon_{\text{но}})$ . Сўниш коэффициенти қуйидаги муносабатларга бўйсунди

$$\begin{aligned} \alpha_{\Sigma} &= \alpha + \alpha_{\text{нл}} + \alpha_{\text{но}}, & \alpha &= -k_0 \text{Im}(\epsilon), \\ \alpha_{\text{нл}} &= -k_0 \text{Im}(\epsilon_{\text{нл}}), & \alpha_{\text{но}} &= -k_0 \text{Im}(\epsilon_{\text{но}}), \end{aligned} \quad (13)$$

Фазали экран усули, агар экранлар орасидаги масофа  $\Delta z$  эволюцион координата бўйлаб майдоннинг характерли ўзгариши узунлиги билан солиштирганда кичик бўлса, узлуксиз муҳитнинг хусусиятларини яхши тавсифлайди. Бу узунликларга қуйидагилар киради: ночизикли узунлик  $L_{\text{нл}}$ , дисперсия узунлиги  $L_{\text{дп}}$ , дифракция узунлиги  $L_{\text{дф}}$ , сўниш узунлиги  $\alpha$ . Бу шартни қуйидагича ёзиш мумкин

$$\Delta z \ll \min \{L_{\text{нл}}, L_{\text{дп}}, L_{\text{дф}}, \alpha^{-1}\} \quad (14)$$


(14) шарт бажарилса,  $\Delta z$  қатламдаги ёруғлик майдонининг ўзгаришига чизиқли бўлмаганлик, дисперсия, дифраксия ва ютилиш таъсири унчалик катта эмас. Бу қалинлиги  $\Delta z$  бўлган чизиқли бўлмаган тасодифий бир хил бўлмаган муҳит қатламини иккита экран тизими сифатида тасвирлаш имконини беради. Улардан бири муҳитнинг бир хил бўлмаганлигидан келиб чиқадиган диелектрик ўтказувчанликнинг флукутацияларини симуляция қилади, иккинчиси ташқи майдон томонидан индукция қилинган флукутациялардир. Экспериментал шароитларга асосланиб, материалнинг тарқалиши ва нурланиш ютилишининг таъсирини эътиборсиз қолдириш мумкин. Плазманинг таъсири интенсивлик катталигига чеклов киритиш орқали ҳисобга олинади, у холда ультра қисқа лазер импульсларининг тарқалиши қуйдаги тенглама билан тавсифланиши мумкин

$$2ik_0 \frac{\partial E}{\partial z} = \Delta_{\perp} E + 2k_0 n_2 |E|^2 E + 2k_0 n_1 E \quad (15)$$

ва бу тенглама физик омилларга кўра бўлиниш усули билан ечилади. Юқоридагиларга асосланиб, турбулент атмосферада филаментларнинг ҳосил бўлиши ва тарқалишининг компютер модели ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган модел ёрдамида нурнинг эллиптиклигининг лазер импульсларининг филаментациясига таъсири ўрганилди. Рақамли тажрибалар шуни кўрсатдики, нурнинг эллиптиклиги нур оқими бўйлаб бир бутун сифатида филамент ҳосил бўлиш масофасининг ошишига олиб келади, бунинг натижасида мултифиламентнинг умумий узунлиги думалоқ нурга нисбатан узайтирилади. Шу билан бирга, эллиптик нурнинг кесимидаги филаментлар сони, ўрта ҳисобда, думалоқ дастали нурга қараганда камроқ. Ушбу хулосалар экспериментал ишлар натижалари билан яхши мос келади, бу ишларда линзалар тизими ёрдамида нурни эллиптик ҳолга келтирилганда филамент узунлигининг ошиши қайд этилган.


Атмосфера турбулентлигининг атмосферада филаментларнинг шаклланиши ва тарқалишига таъсирини аниқлаш учун тажрибалар ўтказилди. Тажрибалар шуни кўрсатдики, дастлабки текисликдан бир хил масофада жойлашган нурларнинг кўндаланг кесимида, катта турбулентликка эга бўлган йўл бўйлаб тарқалиш ҳолатида кўпроқ филаментлар мавжуд. Амалга оширилган рақамли тажрибалар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, атмосфера турбулентлигининг ортиши, бошқа нарсалар тенг бўлса, нурнинг кесимида филаментлар сонининг кўпайишига олиб келади. Кесимдаги филаментлар сонининг кўпайиши ионлантиришга йўқотишларининг ошишига олиб келади, бу эса ўз навбатида умумий филамент узунлигини камайтиради. 5-расмда  $N$ -чи филаментнинг ҳосил бўлишининг ўртача узунлигининг нурдаги филаментнинг тартиб рақамига боғлиқ холда, максимал интенсивликка мос келадиган қувватнинг икки қийматида кўрсатилган.

Критик қувватдан анча юқори бўлган нурланиш қувватларида, нурдаги филаментлар сони  $z$  масофаси билан ортади. Лазер импульс қуввати ошиши билан филаментлар лазернинг чиқиш диафрагмасига яқинроқ масофада



5-расм. Турли чўққи импульс кувватлари  $P_0 = 1.0 \cdot 10^{11}$  Вт (ёруғ доиралар), ва  $P_0 = 5.0 \cdot 10^{11}$  Вт (қоронғу доиралар) учун кейинги  $N$  -чи филламент шаклланишининг бошланишигача бўлган масофа  $z$

эффектига қўшимча равишда, импульс кўндаланг кесимда интенсивликнинг нотекис тақсимланиши ва атмосферада нурланишнинг қисман ютилиши туфайли, нурланиш тарқалиш йўлида ҳарорат градиенти пайдо бўлади, бу эса ўз навбатида қўшимча тўлқин ўтказувчи канални яратади. Ушбу ҳолат



